Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил 26 июль ШАНБА

№ 60 (12696)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2014 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 28 июль душанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, 2014 йил 28 июль куни дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2014 йил 23 июль.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## Р. ИРМАТОВНИ «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқаро майдонда мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ўзбек футболининг нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Сайфиддинович Ирматов "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2014 йил 25 июль.

Ифтихор

## ИШОНЧ ВА РАҒБАТ УЧУН МИННАТДОРМИЗ

**Кўча бўйлаб борар эканман, қаршимда келаётган йўловчи эътиборимни тортди. У қуёшнинг жазирама иссиғидан сақланиш учун қўлида соябон тутган эди. Шу лаҳзада беихтиёр қалбимни ажиб бир ҳис қамраб олди. Боиси, у тутган соябон оддий эмас, балки яқинда мен мижозимга ўз ғояларим асосида тайёрлаб берган "антиқа" соябон эди.**

Бу ҳаяжон нимадан дарак? Бу – ўз меҳнатинг натижасидан бир нишона, дастлабки ютуғингни ҳис этиб яшаш бахтидан дарак эди.

Тумандаги 6-умумтаълим мактабини аъло баҳоларга тамомлагач, яхши ниятлар билан Паркент тадбиркорлик

*(Давоми 2-бетда).*



## МУҚИМ ИШ ЎРИНЛАРИ ЎЗ ЭГАЛАРИНИ КУТМОҚДА

***Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, фаровонлигини таъминлаш ҳамда уларнинг даромадларини кўпайтириш мақсадида бир қатор аниқ мақсадли Давлат дастурлари амалга оширилмоқда.***




Хусусан, жойларда тегишли идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилиб келинаётган "Бўш иш ўринлари ярмаркаси" муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, Паркент тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан туман прокуратураси ҳамкорлигида "Бўш иш ўринлари ярмаркаси" ҳамда иштирокчилар учун марказ фаолиятининг ярим йиллик сарҳисоби юзасидан семинар ташкил этилди.

Унда таъкидланганидек, бугунги кунда туманда мавжуд 139,7 минг аҳолининг 82,8 минг нафари меҳнат ресурслари ҳисобланиб, шундан иқтисодий фаол аҳоли 67,6 минг, иқтисодий нофаол аҳоли эса 15,2 мингни ташкил этади. Иш билан банд бўлган аҳолининг 15,7 минг нафари иқтисодиётнинг реал сектори, кичик корхона ва микрофирмаларда, 10,2 минг нафари қишлоқ хўжалигида, минг нафарга яқини якка тартибдаги тадбиркорлик соҳасида ва 4,4 минг нафари бошқа соҳаларда меҳнат қилмоқда.

*(Давоми 2-бетда).*




**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

«Камолот» танлови

## ЁШ ТАДБИРКОР – ЮРТГА МАДАДКОР

**Мамлакатимизда ёшларда тадбиркорлик малакаси, билим ва кўникмаларини шакллантириш, улар учун янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда ёш оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида кўплаб танлов ва кенг қамровли лойиҳалар татбиқ этиб келинмоқда.**

Мазкур танловларда асосий эътибор иқтидорли ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга имтиёзли кредитлар олишларида яқиндан кўмаклашиш, энг муҳими, бу борада давлатимиз томонидан яратиб берилаётган кенг қамровли имкониятларни тушунтириш масалаларига қаратилмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси, вилоят Марказий банки бошчилигидаги бир қатор тижорат банклари ҳамда вилоят "Ҳунармандлар" уюшмаси билан ҳамкорликда 18 дан 30 ёшгача бўлганлар ўртасида "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Тадбирда малакали мутахассислар томонидан тадбиркорлик соҳалари, яъни, хизмат кўрсатиш, чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, кичик ишлаб чиқаришга йўналтирилган уч кунлик махсус семинар-тренинг ташкил этилди.

– Тренинг давомида иштирокчиларнинг айнан ўзлари танлаган тадбиркорлик йўналишлари бўйича тажриба ва кўникмаларини шакллантириш юзасидан тегишли машғулотлар олиб борилди, – дейди вилоят "Ёш тадбиркор" консультатив маркази раҳбари Лобар Бобожонова. – Танлов асосан

*(Давоми 2-бетда).*

Бандлик

**Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилди. Хусусан, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида, мана 23 йилдирки, Президентимиз раҳнамолигида кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Натижада тадбиркорлик борасида Ўзбекистон хотин-қизлари нафақат республикада, балки дунё миқёсида ҳам ўзларини синаб кўрмоқдалар. Чет эллик ишбилармон биродарларимиз ҳатто улар билан ҳамкорлик қилиш, ўрганиб, ўргатиш истагини билдирмоқда.**

## «АХБОРОТ ОЙНАЛАРИ» РАСМАН ОЧИЛДИ

Шу кунларда Европа Иттифоқининг "Эҳтиёжманд оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш бўйича янги дастурлар" номли лойиҳаси доирасида аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган "Ахборот ойналари"нинг расмий очилиш маросимлари республика миқёсида 5 та маҳаллада ўтказилмоқда.

*(Давоми 2-бетда).*



Байрамолди учрашувлар

## ОЗОД ВАТАН АЛЁРЛАРИ

**Ҳадемай диёримизда Истиқлол тонгининг 23 йиллиги кенг нишонланади. Аммо энг улуғ, энг азиз байрам шодиёналарига ҳамоҳанг кўнгилочар учрашувлар, дилтортар суҳбатлар вилоятимиз ҳудудларида ҳамон давом этмоқда.**




Ана шундай байрамолди учрашувларнинг навбатдагиси Бўстонлиқ туманидаги Ғазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт ҳамда Сойлиқ туризм ва сервис касб-ҳунар коллежларида бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Маҳмуд Тоиров, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент Ойниса Муҳаммадиева, шоир Азизбек Турдиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Анвар Ғаниев, актриса Омина Тўрақулова йиғилганларга истиқлол неъматларидан сўзладилар. Озод Ватан шаънига шеъру ғазал, ҳамду сано, алёрлар айтилди. Уларнинг ҳар бир чиқишларида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" деган самимий дил изҳорлари янграб турди.

– Дарҳақиқат, осмони мусаффо, сарҳадлари дахлсиз, юрти тинч, турмуши фаровон, эртанги кунидан кўнгли тўқ халқнинг умри узун, бахти бутун бўлади, – деди туман ҳокими Иброҳим Ҳасанов. – Бугун ҳузурингизга ташриф буюрган элимизнинг ардоқли инсонлари таъкидлаганларидек, ҳар биримиз "Ким эдигу, ким бўлдик?" деган ҳақли саволга муносиб жавоб беришимиз, бебаҳо бойлигимиз – эркин, озод, тинч, осуда ҳаётимизни, ҳар қадамда ишончли қалқонимиз – ҳур Ўзбекистонимизни кўз қорачиғимиздек асрабавайлашимиз керак.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Ёшлар фестивали

## БИЗ БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ



**Бўстонлиқ туманидаги "Боғи эрам" маданият-истироҳат боғида "Соғлом бола йили" Давлат дастури ҳамда мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида яна бир тантанали тадбир – "Биз буюк юрт фарзандларимиз" деб номланган ёшлар фестивали ўтказилди.**

*(Давоми 2-бетда).*

# МУҚИМ ИШ ЎРИНЛАРИ ЎЗ ЭГАЛАРИНИ КУТМОҚДА

Туманда "Янги иш жойларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури"га асосан жорий йилнинг биринчи ярмида 2057 та янги иш ўринлари ташкил этилиши белгиланган бўлса, амалда 2092 та иш жойлари яратилиб, белгиланган прогноз кўрсаткичлари 101,7 фоизга бажарилди.

Жумладан, ушбу иш ўринларини соҳалар кесимида тақсимлайдиган бўлсак, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш ҳисобига 47 та, кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобига 711 та, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 280 та, уй меҳнатининг барча шакллари ҳисобига 238 та, фермер хўжаликлари ҳисобига 644 та, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига 150 та ва ишламасдан турган ҳамда банкрот корхоналарни ишга тушириш ҳисобига 22 та иш ўринлари яратилди.

– Ҳар йили меҳнат бозорига касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари, Қуролли Кучлар сафидан бўшаган ва жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган 3,5 минг нафар меҳнат ресурси кириб келади, – дейди туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Бахтиёр Руҳитдинов. – Уларни муқим иш билан таъминлаш мақсадида алоҳида дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра йил давомида 3 минг 906 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Ярмаркада юзга яқин иш берувчи ташкилот мавжуд 800 га яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Унда Марказнинг намунавий бўлимлари ҳам ташкил этилиб, иштирокчиларни қизиқтирган саволлар юзасидан малакали мутахассисларнинг мулоқотлари уюштирилди.

Ярмарка иштирокчилари ўзлари танлаган соҳа ва тармоқ бўйича батафсил маълумотга эга бўлгач, яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар билан ҳам яқиндан танишишди. Шу куни мурожаат этган 320 нафар фуқарога ишга жойлашишлари учун йўлланма берилди. Муҳим жиҳати шундаки, муқим иш ўрнига эга бўлганларнинг аксарияти, яъни 280 нафари ёшлар, хусусан, касб-ҳунар коллежларини тамомлаган йигит-қизлардир.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Камолот» танлови

# ЁШ ТАДБИРКОР – ЮРТГА МАДАДКОР



...уч босқичда бўлиб, дастлаб барча шаҳар ва туманларда апрелдан июль ойига қадар ўтказилди. Лойиҳада иштирок этиш учун 270 нафар микромолиялашга муҳтож ёш тадбиркорлар ва ёш оилалар якка тартибда маҳаллий ташкилий-ишчи гуруҳларига анкета ҳамда ўз бизнес режаларини тақдим қилдилар. Ҳар бир ҳудуддан 10 нафардан жами 144 нафар иштирокчи-ёш вилоят босқичида қатнашди.

Ёшлар семинар-тренинг давомида тадбиркорликни тартибга солувчи қонуний меъёрий ҳужжатлар, рўйхатдан ўтиш тартиби, кичик бизнесни солиққа тортиш, бизнес режа ва унинг структураси, техника ва технологияларни топиш ва сотиб олиш масалаларида вилоят адлия бошқармаси, Давлат солиқ инспекцияси, Савдо-саноат палатаси вакиллари томонидан слайдлар орқали тўлақонли маълумот олишди. Шунингдек, маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, бозорни ўрганиш ва сегментлаш, тижорат банкларининг кредит сиёсати, имтиёзли кредитлар таъминоти, фоизлари, муддатлари тўғрисида батафсил маълумот берилиб, тадбиркорлик психологияси ҳақидаги тушунчаларга эга бўлишди.

Танловнинг якунловчи босқичида иштирокчи ёшлар вилоят ишчи гуруҳи олдида ўз бизнес ғоясини тақдимот шаклида ҳимоя қилишди. Тақдимот электрон ҳамда босма шаклда тайёрланиб, ҳакамлар ҳайъати томонидан бизнес режанинг иқтисодий кўрсаткичи, лойиҳанинг самарадорлиги ва тақдимот маҳоратига қараб 10 баллик тизимда баҳоланди. Якуний натижаларга кўра, 13 нафар йигит-қиз ғолиб деб топилди ва республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

– Бу йил коллежнинг 3-курсига ўтдим. Бухгалтерия ва аудит йўналишида ўқийман. – дейди Янгийўл хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Ёқутхон Калонхонова. – Танловда йирик савдо дўконлари ва халқ истеъмоли бозори учун турли полиэтилен пакетчалар ишлаб чиқариш кичик корхонасини очиш бўйича тайёрлаган лойиҳам билан қатнашдим. Лойиҳам самарали деб топилиб, республика босқичига йўлланма олдим. Бизнес режамни молиялаштириш учун "Қишлоқ қурилиш банк" очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан 30 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратиб бериш таклифи билдирилди. Ҳозирда 4 нафар коллеж битирувчилари билан шартнома тузиш ҳаракатидаман. Келгусида иш ўринларини янада кўпайтириш ниятидаман. Фурсатдан фойдаланиб, ҳукуматимиз томонидан биз ёшларга яратилиб берилаётган имкониятлар учун чексиз миннатдорчилик билдирамиз. Мустақил бизнесимизни йўлга қўйиш, унинг иқтисодий-молиявий асослари қўллаб-қувватланиб, рағбатлантирилаётгани келгусидаги ишларимизни янада ривожлантиришимиз учун муҳим омил бўлмоқда.

Ғолиб ва иштирокчилар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан диплом, фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Мурод ҲАСАНБОЕВ.**
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоят ҳаёти

## БАЙРАМ ТУҲФАСИ

**Бўка туманидаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда болажонларнинг ёзги дам олишини мароқли ўтказиш мақсадида ташкил этилган тадбирга "Тошлоқ" маҳалласи болалари, уларнинг ота-оналари таклиф этилди.**

Тадбирда болалар шахмат-шашка, арқон тортиш, футбол, бадиий гимнастика, ўзбек жанг санъати, югуриш каби спорт мусобақаларида эпчиллик ва чаққонлик бобида нималарга қодир эканликларини намойиш этишди. Ёш рассомлар ва тўқувчилар ўртасида ташкил этилган ижодий беллашув ҳеч бир қатнашчини бефарқ қолдирмади.

Тадбир сўнгида ғолиб ва фаол иштирокчилар ҳомийлар томонидан ажратилган эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Бу каби тадбирлар бошқа маҳаллаларда ҳам ўтказилмоқда.

**Саодат МАҚСУДОВА.**

## КЕЛАЖАККА ДАХЛДОР

**Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлигида "Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари" бўйича доимий комиссия ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбатида ёш тадбиркорлар сафини янада кенгайтириш, улар учун имтиёзли кредитлар ажратиш йўл-йўриқлари борасида фикр алмашинди.**

Бу йилги коллеж битирувчилари қайси йўналишларда фаоллик кўрсатишаётгани ҳақида маълумот бериб ўтилди. Туман "Агробанк" ОАТБ ва доимий комиссия хамкорлигида 10 нафар битирувчи имтиёзли кредит билан таъминланди.

Шунингдек, туман прократураси томонидан ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олишда "Оила, маҳалла, мактаб" ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш бўйича қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

Бандлик

# «АХБОРОТ ОЙНАЛАРИ» РАСМАН ОЧИЛДИ

Уларнинг 2 таси вилоятимизнинг Қибрай туманидаги Зебунисо, Чирчиқ шаҳридаги "Гулзор" маҳаллаларида очилди. Тадбир ташкилотчиларидан вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева маросимда сўзга чиқар экан, шундай деди:

– Аёлларимизнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ҳамда бу борада танлаб олинган маҳаллалар ва жамоат ташкилотлари вакилларининг салоҳиятини ошириш, аёллар ва ёшларга ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашиш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадидаги ушбу лойиҳа Европа Иттифоқининг иқтисодий ривожлантириш ва ҳамкорлик дастури доирасида "Формапер" агентлиги (Италия), Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Ижтимоий инновациялар жамғармаси (Литва), "Аёллар мулоқот ва таълим учун" ассоциацияси (Испания) таркибидаги ҳамкорлар жамоаси томонидан амалга оширилмоқда.

Лойиҳанинг миллий ҳамкори – Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, "Соғ-



лом бола йили" Давлат дастури доирасида ҳудудларда маҳаллий ҳокимият, хотин-қизлар қўмиталари, "Микрокредитбанк" ОАТБ, Савдо-саноат палатаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Тадбиркор аёл" ассоциацияси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, солиқ ва адлия идораларидан иборат жамоатчилик гуруҳлари "Ахборот ойналари" фаолиятига масъул ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, бу борада вилоятимиз тадбиркорларида зарур лаёқат, қобилият бор. Шундай бўлсада, "Ахборот ойналари" томонидан уюштириладиган барча семинарларда фаол қатнашиш тадбиркорлик фаолиятини муваффақиятли олиб боришимизда муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, "Ахборот ойналари" фаолияти доирасида бир йил давомида 520 нафар ишсиз аёл ва ёшлар тадбиркорлик бўйича ўқув дастурига жалб этилади. Улардан камида 120 нафарига бизнес лойиҳалар ишлаб чиқишда, кам фоизли микрокредитлар олишда, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлашда амалий ёрдам кўрсатилади. Вилоятимиз тадбиркор аёллари ва ёшлари бу имкониятдан унумли фойдалана олиши шубҳасиз.

"Ахборот ойналари"нинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

**Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ифтихор

# ИШОНЧ ВА РАҒБАТ УЧУН МИННАТДОРМИЗ

...ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежига ўқишга кирдим. У ерда олиб борилаётган ҳар бир машғулот, устозларнинг ўгити туртки бўлибми, ўзимда мустақил иш бошлаш, яъни ўз бизнесимни йўлга қўйиш иштиёқи туғилди. Ўтган йили "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган "Келажак овози" танлови ҳам менга далда бўлди. Рационализаторлик йўналиши бўйича танловнинг республика босқичида иштирок этдим. Унда олган таассуротларим, янги дўстларимнинг фикр-мулоҳазаларига таяниб, ўзимни бизнес соҳасида синаб кўрдим. Ва ўша йили "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" республика танловида "Энг инновацион лойиҳа" номинациясида ғолиб бўлдим. Ноанъанавий соябонлар ишлаб чиқариш бўйича изланишларим муваффақиятли деб топилиб, 10 миллион 800 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит олишга эришдим.

Бу ишланмамда буюртмачилар истагига қараб, ёз ва қиш мавсумига мўлжалланган соябонлар учун қуёш батареялари асосида ишловчи мослама ўрнатилади. Унда мижозлар ўз уяли телефонларини қувватлаш ва тунда йўл ёритгич ёрдамида бемалол манзилларига етиб олиш имконига эга бўладилар. Мосламанинг оғирлиги бор-йўғи 150-200 граммни ташкил этиб, фойдаланувчига ҳеч қандай ноқулайлик туғдирмайди. Қувват манбаи захираси 8 соатга етади. Бу кўз илғамас ва ноанъанавий услуб. Тўғри, оддийгина кашфиёт. Лекин, қайсидир маънода истеъмолчиларга наф келтирмоқда. Бу лойиҳа амалиётга татбиқ этилгач, коллеж битирувчиларидан 2-3 нафари билан уч ёқлама шартнома тузилиб, муқим иш билан таъминланди.

Кези келганда яна шуни айтишим мумкинки, ҳозирда акфа-профил қолдиқларидан рақамли технологиялар, хусусан, телевизорлар учун антенналар ҳам ишлаб чиқармоқдамиз. Унинг афзаллик жиҳати шундаки, аввало, таннархи жуда арзон, сифати ҳам талаб даражасида. Бу йўналишда ҳам тенгдошларимдан 3 нафарини иш билан таъминлаганман. Келгуси режаларим талайгина.

Оиламизда мустақиллик берган имкониятларнинг қадрига етиш, яратилган шароитлардан унумли фойдаланиш ва халққа беминнат хизмат қилиш кераклиги хусусида кўп гапиришади. Шукрлар бўлсинки, мамлакатимизда ёшларга доир олиб борилаётган одилона сиёсат, яратиб берилаётган имкониятлар туфайли минглаб тенгдошларимиз илм олиш, ҳунар эгаллашда ўзларини кўрсатмоқдалар.

Ҳукуматимиз томонидан биз ёшларга яратилган имкониятлар, юксак ишонч ва рағбат учун чексиз миннатдормиз. Бунга жавобан мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, халқимизга муносиб хизмат қилишни энг олий бурч деб биламиз.

**Илҳом ИСҲОҚОВ, ёш тадбиркор.**

(Давоми. Боши 1-бетда).



## БАРИ ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ

**Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси томонидан Қибрай тумани Салар шаҳарчасида жойлашган Республика ортопедия марказида мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.**

Йиғилишда сўзга чиққанлар юртимизда истиқлол туфайли юз берган ўзгаришлар, бунёдкорлик, таълим соҳаларида юксак технологиялардан фойдаланилаётгани, Соғлом бола йилида спортга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳақида мисоллар келтирдилар.

Истиқлолимизнинг 23 йиллиги "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" деган шиор остида нишонланаётганининг ўзиёқ нақадар пурмаънога эга эканлиги таъкидланди.

Давра суҳбати сўнгида партия аъзоларининг сайлов олди дастури юзасидан маърузалари тингланди. Шунингдек, ёшларни ватанпарварлик руҳида вояга етказишда ҳамкорликни йўлга қўйиш хусусида атрофлича фикр билдирилди. Шу куни партия сафига янги аъзолар қабул қилинди.

**Юлдуз ФАЗЛИЕВА.**

Ёшлар фестивали

# БИЗ БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ



Истиқлолни улуғлаш, неъматларини ардоқлаш, тумандаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, ёшларда Ватанга, эл-юртга муҳаббат, бурчга садоқат туйғуларини шакллантириш, ҳаётда ўз мустаҳкам ўрнини топишга ёрдамлашиш, қўллаб-қувватлаш мақсадида уюштирилган тадбирда ёзувчи-шоирлар, олимлар, санъаткорлар иштирок этди. Карнай-сурнай садолари, байрамона безатилган "Боғи эрам" барчани ўз бағрига чорлар экан, туманнинг 1100 нафар бунёдкор ёшлари, ота-оналар, маҳаллалар фаоллари, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари, битирувчилар учун ташкил этилган "Махсус иш ўринлари меҳнат ярмаркаси"га таклиф этилдилар. Ярмаркада туманнинг 30 та корхонаси ўз бўш иш ўринларини тавсия қилишди.

– Бу йил туманимиздаги 7 та касб-ҳунар коллежини 1672 нафар ўқувчи тамомлади, – деди туман ҳокими Иброҳим Ҳасанов. – Уларнинг 262 нафари ўқишни давом эттириш истагида бўлса, 360 битирувчимиз иш билан таъминланди. 75 нафари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида ўз бизнес лойиҳаларини тақдим этишган. Уларнинг энг намуналиларидан 15 тасига 70 миллион сўм кредит ажратилди. Келажакда барча битирувчиларимиз ўз иш ўринларига эга бўлишлари учун шароит ва имкониятлар етарли.



Ёшларни қизиқарли маълумотлар билан ўзига жалб этган меҳнат ярмаркаси шўх-шодон, байрамона концерт дастурига уланиб кетди. Барчани ўзининг ажойиб шеърлари билан хушнуд этган Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир энг яхши коллеж ўқитувчиларига туман ҳокимлигининг фахрий ёрлиқларини топширди. Жаҳонгир Отажонов, Амира Алимбекова, Лобар Умарова, Мирижод Миркомилов каби хушовоз хонандалар, туман бадиий жамоаларининг чиқишлари байрамга алоҳида файз бағишлади.

Ёшлар форумида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбир

## ФАОЛЛИКНИ ЯНАДА ОШИРИШ

**Қизил Ярим ой жамиятининг Ўрта Чирчиқ туман бўлими 1-умумтаълим мактабида тадбир ўтказди. Унда жорий йилда кам таъминланган, эҳтиёжманд ва фавқулодда вазиятларда зарар кўрган оилаларга, хусусан, юздан зиёд фуқароларга моддий кўмак кўрсатилганлиги қайд этилди.**

Тадбирда ушбу ташаббусда ўз беғараз ёрдамини аямаган туман халқ таълими, мактабгача таълим муассасалари ва хусусий тадбиркорлар, қатор ҳомий ташкилотларга миннатдорчилик билдирилиб, фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Давра суҳбати сўнгида имконияти чекланган, кам таъминланган оила фарзандларига устоз бириктирилиб, касб-ҳунар сирларидан сабоқ беришлик хусусида келишиб олинди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

Чорвачилик

# ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР КЎНГИЛДАГИДЕК



**Янгийўл туманидаги "Шокир Асилбек баракаси" фермер хўжалиги ташкил этилганига унчалик кўп бўлгани йўқ. Лекин, хўжаликнинг тиришқоқ, меҳнатсевар аъзолари ўз олдиларига қўйган мақсадлари сари интилиб, яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар.**

Бугунги кунга келиб хўжаликда боқилаётган қорамоллар сони 100 тага, қўйлар эса 45 тага етди. Чорва моллари яхши парваришланаётгани туфайли сигирлардан соғиб олинаётган сут миқдори ҳам, гўшт топшириш шартнома-режаси ҳам ортиб бормоқда.

– Хўжалигимиз ёш бўлишига қарамай, дастлабки натижалар ёмон бўлмаяпти, – дейди фермер Жамшид Шеров. – Сутни қайта ишлаш учун топширамиз. 6 нафар ишчимиз бор. Уларни ҳар байрамда меҳнатларига яраша муносиб тақдирлаб бораяпмиз.

**Саид ҲАСАНОВ.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

Семинар

# КЎНГИЛГА ЙЎЛ ТОПИШ – ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

**Мамлакатимиз раҳбари жамият тараққиёти, барқарорлигини таъминловчи омиллардан бири ёшларга бўлган эътибор, кўмак ва рағбат эканини бот-бот таъкидлайди. Бу борада таълим-тарбия масканлари мутахассислари, "Маҳалла", "Камолот" ЁИҲ, хотин-қизлар қўмитаси, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг ўрни ва ролини ортиқча изоҳлаш шарт эмас.**



Бекобод туманидаги "Далварзин" маиший хизмат касб-ҳунар коллежида вилоят прокуратураси ташаббуси билан уюштирилган семинар нафақат ёшлар, балки ёш оилалар, умуман аҳоли ўртасидаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш, уларни ёт ғоялардан асраш, ижобий фикрлашни шакллантириш масалаларига бағишланди. Унда умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, хотин-қизлар қўмиталари раислари, маслаҳатчилари, психологлар иштирок этди.

– Ёшларимизни турли таъсирлардан, ёт ғоялардан асрашимиз зарур, – деди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ёқутхон Мўминова. – Бу ҳозирги таҳликали замон талаби. Лекин, бу осон иш эмас. Бу вазифа, айниқса, ўқитувчи, мураббий, ота-она зиммасига катта масъулият юклайди.

– Фарзанд ҳар бир оиланинг юзи, ойнасидир, – дейди "Нуроний" жамғармаси туман бўлими раиси Эргаш Рўзибоев. – Лекин, оила муҳити ҳамма хонадонда ҳам бирдек эмас. Ёшларимизнинг кўнглига йўл тополмасак, буни бошқалар ғараз ниятларда амалга ошириши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар биримиз фарзандларимиз, ёшларимиз тарбиясига масъулмиз.

– Ҳар бир боланинг феъли, дунёқараши у яшаётган оила муҳитига қараб шаклланади, – дейди вилоят психологлар ассоциацияси раҳбари Шоира Исоқова. – Баъзилар, нимагадир ўз муаммоларини яқинларига айтишга тортинади. Шундай пайтларда психологлар уларга тўғри йўл кўрсатиши, ҳаёт ҳақиқатини дўстона, самимий ҳамда ишонарли далиллар билан тушунтира олиши керак.

Дарҳақиқат, ёшларнинг табиати ўта нозик, ташқи таъсирларга берилувчан бўлади. Уларнинг дунёқараши тўғри шаклланиши учун атрофидаги одамларнинг, соғлом маънавий муҳитнинг аҳамияти катта. Бундай семинарлар вилоятимизнинг бошқа шаҳар, туманларида ҳам ўтказилмоқда.

**Сайёра РАҲМОНОВА.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

Партиялар ҳаётидан

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (O'zLiDeP) сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Фермерлар кенгаши томонидан вилоятимизда ғалла йиғим-теримини муваффақиятли якунлаган фермер хўжаликлари раҳбарлари билан "Юксак меҳнат ғалабаси – яратилган улкан имкониятлар самараси" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

# ФЕРМЕРЛАР ДАВРАСИДАГИ ЭЪТИРОФ

Юқори Чирчиқ туманидаги "Дилшод" фермер хўжалиги дала шийпонида уюштирилган мазкур мулоқот иштирокчилари дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи тобора ўткир муаммога айланиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз деҳқон ва фермерлари қишлоқ хўжалиги тарихида илк бор – 8 миллион 50 минг тонналик улкан ғалла хирмонини бунёд этганлари алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистонда бундай ютуқларга ўз-ўзидан эришилмаётгани, гарчи, уларни оддий ҳол деб қаралаётган бўлсада, улар замирида ўзини ернинг ва мулкнинг ҳақиқий эгаси деб ҳисоблаётган неча минглаб деҳқонларимизнинг табиат ва иқлим қийинчиликларига қарши курашдаги иродаси, бедор тунлари, тинимсиз меҳнатлари ётгани эслатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш соҳасида узоқни кўзлаб олиб бораётган сиёсати туфайли мустақил Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда ўттиз бир миллиондан ортиқ аҳоли эҳтиёжини тўла таъминлашдан ташқари, чет элга ғалла экспорт қиладиган мамлакатга айланганлиги алоҳида эътироф этилди.

Мулоқот мобайнида Президентимизнинг Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табригидаги "Бундан 23 йил олдин биз 21 миллиондан зиёд аҳолимизнинг эҳтиёжи учун зарур бўлган 5 миллион тонна ғаллани четдан, катта-катта маблағлар эвазига, кимлargadир муҳтож бўлиб, ялиниб-ёлвориб олиб келишга мажбур эдик. .... Ғалла етиштиришнинг умумий ҳажми 940 минг тоннадан 8 миллион тоннага етгани, ўртача ҳосилдорлик гектарига 17 центнердан 55 центнерга ўсгани бизнинг бу соҳада илгари фараз қилиш ҳам қийин бўлган, қандай улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиздан далолат беради", деган жумлаларга алоҳида урғу берилиб, "Ким эдигу ким бўлдик?" деган машҳур ибора ёдга олинди.





Давра суҳбати қатнашчилари улкан ғалабага муносиб ҳисса қўшган фермерларнинг меҳнати ва эришган ютуқларини эътироф этган ҳолда, Президентимизнинг юксак эътиборига жавобан, ғаллакорларимиз бетакрор замин ва беқиёс иқлим, кенг имкониятларга эга она юртимиз далаларида етиштирилаётган ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан янада улкан хирмонлар яратиб, юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаверадилар, деб ишонч билдирдилар.

Тадбир сўнгида вилоятдаги илғор фермерларнинг бир гуруҳига O'zLiDeP дипломлари ва эсдалик совғалари топширилди.

**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**

Кўргазма

**Тошкент фотосуратлар уйида латвиялик машҳур рассом Валдис Бушснинг шахсий кўргазмаси очилди. Кўргазма Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент фотосуратлар уйи ва Латвия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.**

# ЛАТВИЯ ТАБИАТИ МАНЗАРАЛАРИ

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуриддинов ва бошқалар Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги серқирра ҳамкорлик маданият ҳамда санъат соҳасида ҳам изчил ривожланаётганини таъкидлади.

Рассом асарлари дунёнинг йигирмага яқин мамлакатларида намойиш қилинган. Пойтахтимизда ташкил этилган мазкур кўргазмада муаллифнинг Латвиянинг гўзал табиатига бағишланган ўттизта полотноси омма эътиборига ҳавола этилмоқда. Табиат манзаралари мусаввирнинг энг яхши кўрган жанри ҳисобланади. "Баҳор келмоқда", "Ер кучи", "Дарахтлар", "Куз", "Балиқ ови" каби асарларида нафақат Латвиянинг хушманзара табиати, балки рассомнинг ўз ватанига муҳаббати уфуриб туради.

– Валдис Бушснинг шу йил май ойида Самарқандда ташкил этилган шахсий кўргазмаси ҳам муваффақиятли ўтган эди, – дейди Латвия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Эдгарс Бондарс. – Ўзбекистонда санъат ихлосмандлари латвиялик мўйқалам устаси асарларига қизиқиш билдираётганидан хурсандман. Бу халқларимиз ўртасидаги маданий алоқалар янада мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

**Бобур ОБИДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МИЛЛИЙ КУТУБХОНА ФОНДИ ЯНГИ МАНБАЛАР БИЛАН БОЙИТИЛДИ

**Бу манбалар С. В. Чепелнинг "Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг барқарор ривожланиш истиқболи андозасининг яратилиши ва тизимли таҳлили" ("Системный анализ и моделирование перспектив устойчивого развития национальной экономики Узбекистана") монографияси ва ёш иқтисодчи олимларнинг "Иқтисодиётнинг модернизацияси ва ривожлантириш захираларини жалб этишнинг илмий асослари" ("Научные основы мобилизации резервов роста и модернизации экономики") номли тўпламлардир.**

Ёш иқтисодчи олимлар амалиётига оид тўпламга миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминловчи макроиқтисодий сиёсат, мамлакатнинг етакчи тармоқларини қайта модернизация қилиш ва инновацион ўсишни таъминловчи чуқур таркибийислоҳотлар тўғрисидаги ҳамда уларни амалга оширишдаги мавжуд салоҳият ва имкониятларни сафарбар этиш йўналишлари бўйича турли мақолалар киритилган. Уларда кўтарилган ижтимоий соҳани янада ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини ошириш масалалари ёш олимларнинг миллий иқтисодиётнинг инклюзив ўсиши, ҳудудлардаги ўсиш жабҳаларини ўрганиш борасидаги изланишлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда таҳлил қилинган.

Мазкур тўплам ҳамда С. В. Чепел монографияси миллий иқтисодиёт, унинг соҳалари, ҳудудлардаги ва корхоналардаги тизимли таҳлил ва моделлаштириш масалалари билан қизиқувчи илмий ходимлар, мутахассислар, амалиётчилар, талабалар ва китобхонлар учун мўлжалланган.

**"Туркистон-пресс".**

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бекобод шаҳар кенгаши томонидан "Биз – соғлом турмуш тарафдоримиз!" лойиҳаси асосида "Ёш цементчи" ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳида мини-сессия ташкил этилди.**

# ТОЗАЛИК – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Тадбир доирасида "Биз – соғлом турмуш тарафдоримиз!" лойиҳаси тренери Мадина Мирзааҳмедова ва кўнгилли ёшлар томонидан "Бир кишининг саломатлиги барчанинг иши" шиори бизнинг шиоримиздир!" мавзуида суҳбат ўтказилди. Лойиҳа вакиллари болаларга кир қўллар орқали юқадиган касалликлар, қўлни тоза тутиш қоидалари, соғлом бўлиш сирлари ҳамда соғлом турмуш тарзига риоя этишнинг афзаллиги тўғрисида қимматли маълумотларни тақдим этдилар.

Мини-сессия чоғида назарий билимларни мустаҳкамлаш учун "Шарқ бозори", "Дельфин", "Seven up", "Карамба" каби интерфаол ўйинлардан фойдаланилди. Бу ўйинлар болажонлар кайфиятини кўтариб, ўзаро фаол мулоқотга киришишига замин яратди. Тадбир сўнгида болаларга соғлом турмуш тарзи тарғиботига доир ахборот манбалар тарқатилди.

Маълумки, тоза ҳаво ва тоза сув – инсон саломатлиги, унинг яшаши учун энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Ватанимизнинг тоғли ҳудудларидаги гўзал оромгоҳларда ҳордиқ чиқариб, тоза ҳаво ва зилол сувлардан баҳраманд бўлаётган болалар буни чин кўнгилдан ҳис қилишади. Болаларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида мунтазам спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзи, тозалик ва гигиена талабларига амал қилиш ҳам жуда катта аҳамият касб этади. Шу сабабдан ҳам ҳозирги вақтда республикамизнинг барча таълим-тарбия муассасаларида болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни спорт турларига жалб қилиш, тиббий маданиятини юксалтириш мақсадида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Манзура БЕКЧОНОВА,**
**"Туркистон-пресс".**


ЭЪЛОНЛАР

**Диққат! Диққат! Диққат!**
**Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!**

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси, ''Ko'chmas mulk savdo xizmati'' МЧЖ бошланғич нарх босқичма босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

1. Тошкент вилояти Қибрай тумани, Май ҚФЙ ҳудудида жойлашган Қибрай туман ҳокимлигига қарашли, омборхона бино-иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

умумий ер майдони – 1,3091 га;

қурилиш ости майдони 3096,51 кв.м;

– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи – 1 141 934 363 сўм.

Балансда сақловчи: Қибрай туман ҳокимлиги.

Фаолият ихтисоси: маъмурий бошқарув.

2. Тошкент вилояти Қибрай тумани, Оққовоқ ҚФЙ, Академ шаҳарча кўчасида жойлашган Қибрай тумани ҳокимлигига қарашли ошхона биноси.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

умумий ер майдони – 0,1502 га;

бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони 681,2 кв.м:

– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи – 304 689 699 сўм.

Балансда сақловчи: Қибрай тумани ҳокимлиги.

Фаолият ихтисоси: маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: ''Ko'chmas mulk savdo xizmati'' МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел/факс (8-371) 228-79-52. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 26 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй манзилида ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 9, 23 сентябрь ва 7 октябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошлангич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси ''Ko'chmas mulk savdo xizmati'' МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ ''Ипак йўли'' Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114, МФО 01036, СТИР 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; – жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; – аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй.

Маълумот учун телефон: (8-371) 228-79-52. Факс: (8-371) 228-79-52.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жарёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

**"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Тошкент вилояти Бўка тумани СИБ томонидан: 1. 10.07.2014 йилдаги 2878/1-сонли ариза (буюртманома)га асосан: Тошкент вилояти Бўка тумани ИИБ АМТФКМНБ жарима майдончасида сақланаётган: 2008 йилда и/ч., дав/рақ: 10Y887JA бўлган "CAPTIVA" русумли автотранспорт. Бошланғич баҳоси – 63 379 132 сўм; 2. 06.01.2014 йилдаги 250/19-сонли ариза (буюртманома)га асосан: Тошкент вилояти Бўка тумани АМТФКМНБ биносида сақланаётган: 1996 йилда и/ч., дав/рақ: 10T313FA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт. Бошланғич баҳоси – 19 525 740 сўм; 3. 10.07.2014 йилдаги 2879/1-сонли ариза (буюртманома)-га асосан: Тошкент вилояти Бўка тумани ИИБ АМТФКМНБ жарима майдончасида сақланаётган: 2006 йилда и/ч., дав/рақ: 10N387DA бўлган "ДАМАС" русумли автотранспорт. Бошланғич баҳоси – 30 194 366 сўм; 4. 10.07.2014 йилдаги 2877/1-сонли ариза (буюртманома)-га асосан: Тошкент вилояти Бўка тумани ИИБ АМТФКМНБ жарима майдончасида сақланаётган: 2011 йилда и/ч., дав/рақ: 10R120FA бўлган "SPARK" русумли автотранспорт. Бошланғич баҳоси – 32 552 602 сўм; 5. 06.01.2014 йилдаги 251/19-сонли ариза (буюртманома)га асосан: Тошкент вилояти Бўка тумани АМТФКМНБ биносида сақланаётган: 1983 йилда и/ч., дав/рақ: 10P854HA бўлган "ВАЗ-2106" русумли автотранспорт. Бошланғич баҳоси – 9 664 000 сўм; 6. 06.01.2014 йилдаги 252/19-сонли ариза (буюртманома)га асосан: Тошкент вилояти Бўка тумани АМТФКМНБ биносида сақланаётган: 1984 йилда и/ч., дав/рақ: 10D204AA бўлган "ВАЗ-2107" русумли автотранспорт. Бошланғич баҳоси – 10 620 411 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 28 август куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Гувоҳнома № 006795.

**''KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO'' МЧЖ бошланғич бахоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан 14.05.2014 йилдаги №16193/6-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1) Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мехржон 3-тор кўчаси, 14-уйда жойлашган умумий ер майдони 153,0 кв.м., фойдали майдни 92,2 кв.м.дан иборат бўлган (турар-жой), бошланғич нархи – 38 325 000 сўм; 2) Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Охунбобоев кўчаси, 2-уйда жойлашган умумий фойдали майдни 25,73 кв.м., яшаш майдони 10,60 кв.м.дан иборат бўлган 64-хонадон (турар-жой), бошланғич нархи – 46 050 000 сўм бўлган кўчмас мулклар қўйилмоқда; Аукцион савдоси 2014 йилнинг 26 август куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада булиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич бахосининг 10% дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги хисоб ракамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача кабул килинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: №0039.

Тошкент вилояти Паркент тумани ҳокимлиги томонидан 2007 йил 1 августда 004168-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган ''ILDIZ PARKENT AGRO'' масъулияти чекланган жамиятининг ҳуқуқий мақоми ''ILDIZ PARKENT AGRO'' хусусий корхонасига ўзгартирилишини маълум қилади. Тел.: 327-20-00.

Чиноз туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2007 йилда Юсупова Сурайё Орифжоновна номига берилган U № 2855732 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чиноз туманидаги 20-мактаб томонидан 1992-1993 йилларда Абдиров Бахтжон Ташболтаевич номига берилган XVI-ЮСА 274350658880 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2014 йил 12 майдаги № 11-1432/4553-сонли ҳал қилув қарорига асосан Олмалиқ шаҳар ДСИдан рўйхатдан ўтган ''ALISHOH INVEST AZIA'' МЧЖ (СТИР 300966127) банкрот деб эътироф этилиб, тугатиш жараёни бошланди. Тугатиш бошқарувчиси этиб А. Юлдашев тайинланган. Кредиторларнинг йиғилиши 2014 йил 29 июль куни соат 11.00 да Олмалиқ шаҳар ДСИ биносида ўтказилади. Жамиятга нисбатан талаблар белгиланган муддатларда Олмалиқ шаҳар ДСИнинг 22-хонасида қабул қилинади. Манзил: Олмалиқ шаҳри, Примқуова кўчаси, 4/2, 17-уй. Тел.: (+99871) 150-59-91.

''SOHIBAXON-TA`LIM MASKANI'' (ИНН 207192614), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабадского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Хасанбай, ул. Улугбек, д. 1, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (Решение от 15.06.2014г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган ''SUPER GLASS FURNITURE'' (ИНН 302041629) МЧЖ устав фондини 90.000.000 сўмдан 56.000.000 сўмга камайтиришини маълум қилади.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 18.06.2013 йилда 006715-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган ''GRAND SHEDEVR'' (СТИР 302620556, ОКПО 24415970) хусусий корхонаси таъсисчининг 25.07.2014 йилдаги 1-сонли қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 315-уйда қабул қилинади. Тел.: 981-20-15.

''BIZNING MAVZE'' МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

''AT-TERMIZIY COMMUNAL TA`MIR'' хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент тиббиёт академияси томонидан 2013 йил 14 июнда Куценко Людмила Владимировна номига берилган № 046394 рақамли диплом кўчирмаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

''FARMAMED SERVIS GROUP'' масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 189 904926, 47 сўмдан 100.000.000 сўмга камайтирилади ва унинг устав фонди 100.000.000 сўм деб белгиланади.

Утерянный диплом ЦВ № 766115, выданный в 1992 году Ташкентским политехническим институтом им. Беруни на имя Рашидовой Сайёры Файзуллаевны, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянный угловой штамп частного предпринимателя Мухамедова Ахмаджона Хасан угли Зангиатинского района Ташкентской области СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянный диплом ЦВ № 765603, выданный в 1992 году Ташкентским политехническим институтом им. Беруни на имя Когану Феликсу Александровичу, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Рамазон ҳайитингиз муборак бўлсин!

**Бугун ҳижрий 1435 йил, Рамазон ойининг йигирма тўққизинчи санаси. Ўн бир ойнинг султони деб улуғланган Рамазони шариф адоғига етмоқда. Албатта, йилда бир келгувчи, пойқадами қутлуғ азиз меҳмон билан, ғоятда фазилатли, файзу тароватли, ҳикматларга бой даҳалар, куну тунлар билан хайрлашиш кўнгилда андак маҳзунлик уйғотади. Чунки, орада ўтган шарофатли уч даҳа – ўттиз кун бизга ғоятда кўп хайрлар насиб этди.**

# ШУКРОНАМИЗНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Имкон қадар ўзимизни ислоҳ қилдик, айрим хато-камчиликлар, ножоиз иллатлардан қутулдик. Ўринсиз кибр-ҳаводан халос бўлдик, нафсимизга эгалик қила бошладик. Майда гина-кудуратлардан баланд бўлишга, кўпдан узилишиб кетган биродар, қариндош-уруғлар билан қайта боғланишга эришдик... Ва яна сабримиз қувватланди, бир-биримизга эътиборли, меҳр-оқибатли бўла бошладик...

Хуллас, Рамазони шариф шарофатларини айтаверсак, адо бўлмайди. Шундай экан, у билан хайрлашиш ҳам осон эмас. Бироқ, на илож, ибтидоси бор ҳар нарсанинг интиҳоси ҳам бор. Муҳими шундаки, қадрли, шарофатли ой бизни тарк этаётган бўлса-да, ундан юқтирган, ундан орттирган яхшиликлар, фазилатлар ҳаммаси биз билан қолади, иншооллоҳ. Яъни, Рамазони шариф энди бизнинг руҳиятимизда, онг-шууримизда яшай бошлайди...

Бу йилги Рамазон ҳар йилгидан ҳам файзли ўтди десак, муболаға бўлмайди. Вилоятимиз жомеларидаги таровеҳ намозлари ва унда қилинган хатми Қуръонлар, ихчам ва орасталик билан ўтган ифторликлар, шунингдек турли хил хайрли тадбирлар, яъни молиявий ибодатлар... Ҳаммаҳаммаси эмин-эркинликда тўла-тўкис адо этилди. Булар барчаси замона шарофати, мамлакатимиз ва вилоятимиз раҳбарлари томонидан кўрсатилаётган катта ғамхўрлик ва эътибор натижасидир, албатта. Қолаверса, халқимизнинг ҳам йил сайин эътиқодли, маънавиятли ва албатта саховатпеша бўлиб бораётгани бизни қувонтиради. Пағамбаримиз (с.а.в): "Рамазонда кимки бир нафл амалини адо этса, бошқа ойлардаги бир фарз амалини бажаргандай бўлади. Кимки Рамазонда бир фарз амални бажарса, гўёки бошқа ойлардаги етмиш амални адо этгандай бўлади", дея марҳамат қиладилар. Шунга кўра, мўмин-мусулмонлар бу ойда ҳар қачонгидан кўпроқ хайрли ишларни бажаришга одатланганлар.

Биламизки, динимизда қабристонларга муносабат масаласи алоҳида ўрин тутади. Расули акрам (с.а.в) дан ривоят қилинган Ҳадислардан бирида: "Қабристонларни зиёрат қилиб туринглар. Зеро, у сизга охиратни эслатади", дея марҳамат қилинган. Айниқса, ҳайит кунлари, хотира кунлари ва турли байрамлар арафасида қабристонлар зиёратига чиқиш, ўтганлар руҳига дуои фотиҳа бағишлаш, айни чоқда у ерларда озода, орасталикни йўлга қўйиш, тозалик ҳашарларини уюштириш ғоятда хайрли амаллардан саналади. Бу билан, биринчидан, ўтганларимиз эҳтиромини жойига қўйган бўлсак, иккинчидан, ўзимизнинг кўнглимиз равшан тортади, тасалли топамиз. Чунки, дунё ўткинчи, бугун қабристонни зиёрат қилиб юрганларни, эрта бир кун бошқалар зиёрат қилиши бор ва албатта, хайрли амаллар беиз кетмайди. Пайғамбаримиз (с.а.в) таъкидлаганларидек: "Ким қандай хизмат қилса, унга ҳам шундай хизмат қиладилар..."

Рамазон ҳайити арафасидамиз. Ийд ал-Фитр Рамазон ҳайити дегани. Ҳайит эса – байрам, шоду хуррамлик дегани. Орадан кун ўтиб, муборак душанба тонгида умумхалқ байрами бошланади. Байрам аввалида вилоятимиздаги икки юздан (мамлакатимиз бўйича эса икки мингдан) ортиқ муҳташам жоме масжидларида Ҳайит намозлари адо этилади. Кейин эса ота-оналар, қариндош-уруғ, ёру биродарлар зиёрат қилинади. Болаларга совға-саломлар улашилади. Хонадонларда тўкин байрам дастурхонлари ёзилади. Мақсад: одамлар кўнглига қувонч бахш этиш, байрам шукуҳини ҳар бир хонадонга, ҳар бир юртдошимиз қалбига кириб боришига эришишдир. Бу борада закот ва фитр садақаларини ўрнини билиб тақдим этиш муҳим ўрин тутади. Хайр-садақаларни маҳаллаларда, масжидларда тўплаб, маслаҳат-кенгашлардан сўнг етим-есирлар, мискинлар, кам таъминланган оилалар, илм толибларига тарқатиш эса бунинг энг мақбул йўлидир. Рамазон ойи давомида бу борада Ўзбекистон мусулмонлар идораси вилоят вакиллиги томонидан бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Оҳангарон шаҳридаги қариялар уйи, эркаклар мурувват уйи, Бўка туманидаги Меҳрибонлик уйига, шунингдек кам таъминланган оилалар, беморлар, ногирон шахсларга қирқ миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бу каби хайр-саховат тадбирлари, Ҳайит арафасида ва байрам кунлари ҳам давом этади.

Рамазони шариф охирлаяпти... Биз ўттиз кун мобайнида илоҳий амрга кўра рўза тутдик. Ейиш-ичишдан тийилдик, номуносиб ишлардан парҳез қилдик, ёмон ва ёлғон гап-сўзларни тилга олмадик, ғийбат қилмадик, араз-гинани йиғиштирдик, дардлининг дардига шерик бўлдик, муаммосини биргаликда бартараф этдик... Булар барчаси рўзадорликнинг қатъий шартлари эди ва биз унга амал қилдик. Эртадан кейин Рамазони шарифдек табаррук, муқаддас ой билан хайрлашамиз. Ва шундан кейин ҳам биз моҳиятан рўзадор бўлиб қолаверсак, яъни бу шарофатли ойда эришган гўзал инсоний сифатларни асраб қола билсак, дунё молларига бергусиз саодатга эришган бўламиз. Қолаверса, бу Парвардигорнинг буюк неъмати – мустақилликка, истиқлол берган улкан имкониятлар – эътиқод эркинлигига, тилимиз, динимиз, эркимиз дахлсизлигига, осойишта ҳаётимизга нисбатан шукронамизнинг ёрқин ифодаси бўлур эди.

Азизлар, қутлуғ Рамазон ҳайити ҳаммамиз учун муборак бўлсин. Тинчлигимиз, мустақиллигимиз бардавом, юртимиз обод, турмушимиз бундан-да фаровон бўлаверсин.

**Хайрулла ТУРМАТОВ,**
**вилоят бош имом-хатиби.**

Спорт

## ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ



**Ҳамюртимиз Денис Истомин АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтаётган "ATP BB&T Atlanta Open" турнирини ғалаба билан бошлади.**

Турнирнинг яккалик баҳсларида олтинчи рақамда сараланган теннисчимиз дастлабки учрашувда мезбонлар вакили Ражив Рамни 6:1, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, навбатдаги босқичга йўл олди. Энди Денис Истомин иккинчи даврада словакиялик Лукаш Лацкога қарши кортга чиқади.

## ЖАМИ ЎНТА МЕДАЛЬ

**АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида шотокан-каратэ бўйича ўтказилган халқаро турнирда ўзбекистонлик спортчилар бешта олтин, учтадан кумуш ва бронза – жами ўн битта медални қўлга киритди.**



Мусобақанинг кумитэ – яккама-якка баҳсларида қатнашган Рустам Тошназаров, Нишонбой Ҳайдаров ва Адҳам Иброҳимов ўз вазн тоифасида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Ката – комплекс машқлар бажаришда Саидлазиз Бурҳонов ва Дониёр Усмоновнинг маҳорати ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди.

**Б. АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ОИЛАВИЙ МУСОБАҚА

**Қибрай туманидаги 1-умумтаълим мактабида аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш орқали ўз саломатликларига масъулият ҳиссини шакллантириш мақсадида "Соғлом оила" шиори остида мусобақа ўтказилди.**

Беллашув 8 та шарт асосида олиб борилиб, унда 30 нафар оила иштирок этди. Қатнашчилар югуриш, акробатика, чаққонлик ва мерганлик, моҳир ҳужумчи, овчилар ва қуёнлар ўйини, кўп кураш, эпчиллик эстафетаси ва оилавий арқон тортиш каби мусобақаларда ўз маҳоратларини намойиш этишди.

## ҚУВНОҚ СТАРТЛАР

**Бўка туманидаги "Маданият" маҳалласи спорт мажмуасида туман "Баркамол авлод" болалар маркази томонидан "Биз соғлом ҳаёт тарафдоримиз" шиори остида "Қувноқ стартлар" спорт мусобақаси ўтказилди.**

Беллашув шартларига кўра, ҳар бир жамоа қопда югуриш, ҳалқа айлантириш, арқонда сакраш, тўпни узатиш, тўпни оёқлар орасида олиб югуриш, икки киши бўлиб бир оёқда сакраш, қўлларни бошга қўйган ҳолда ўтириб юриш, мозаика йиғиш каби баҳсларда "Чақмоқ", "Баркамол авлод", "Омад", "Кичкинтойлар", "Иқтидорли ёшлар", "Умид учқунлари" жамоалари ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Ҳакамлар ҳайъатининг якуний хулосасига кўра, эпчиллик ва чаққонлик бобида ўзларининг бор имкониятларини кўрсатган "Баркамол авлод" жамоаси ғолиб деб топилди.

Ғолиб ва фаол иштирокчи жамоаларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Умида ИСАЕВА.**

Машҳурлар ҳаётидан

### *Мусаввирнинг орзуси*

Тенгсиз мўйқалам устаси Пабло Пикассога танбал ва такаббур зодагонлардан бири ҳеч қўймай портретини чиздирди. Рассом зодагонни ўта кўнгилчан, беғубор, кўзидан нур ва меҳр балқиб турган одам қиёфасида тасвирлади. Уни эгасига топшираркан, гап қотди:

– Мана, расмингиз тайёр бўлди. Энди ўзингиз унга ўхшашга ҳаракат қилинг!

### *Қалтис фикр*

Француз қироли Людовикнинг шеър ёзиб турадиган одати бор экан. Шеърларки, маза-матрасиз қорамалардан иборат бўларкан.

Бир куни ҳазрати олийлари уларга баҳо беришни сўраб, машҳур замондоши Буалодан фикр сўрабди. Қиролнинг бемаза шеърларини кўп ўқиган Буало қалтис фикрини шундай ифодалаган экан:

– Ҳазратим, сизнинг қўлингиздан келмайдиган иш йўқ! Мана, бемаза шеър қандай бўлишини бир кўрсатиб қўймоқчи бўлган экансиз, бу ишни ҳам қойилмақом уддалабсиз!

### *Машъала*

Хемингуэй жуда ашаддий овчи бўлган, дейишади. Бир куни танишбилишлари даврасида ов саргузаштларидан сўзлаётганда, кимдир сўраб қолади:

– Айтишларича, одам қўлида ёниб турган машъала олиб юрса, ҳеч қандай ҳайвон унга ташлана олмас экан. Шу ростми?

– Жуда тўғри, – дейди адиб. – Фақат бу машъалани қандай тезликда олиб юришга боғлиқ.

### *Туш*

Калтафаҳмроқ бир шоир Абдураҳмон Жомий ҳузурида мақтаниб қолди:

– Кеча тушимда ҳазрати Хизрнинг ўзлари оғзимга туфлади.

Жомий унга шундай жавоб қилди:

– Ул зоти муборак аслида юзингга туфлаган. Оғзингни очиб ухлаганинг учун тупук оғзингга ҳам тушган бўлса керак.

**Шерзод МАҲМУДОВ тайёрлади.**

2014 йил – Соғлом бола йили

# «ҲАР БИР БОЛАГА МЕҲР-ЭЪТИБОР» АКЦИЯСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА







***Вилоят ҳокимлиги, маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими, "Меҳр-шафқат ва саломатлик", "Маҳалла" ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорликда эътиборга муҳтож болалар ёзги таътил кунларини кўнгилли ўтказишлари учун зарур шарт-шароитларни яратишмоқда.***

Бу сафар болажонлар пойтахтдаги "Ҳайвонот боғи"га саёҳат қилишди. Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидан келган 504 нафар кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари ҳайвонот олами ажойиботларини завқ билан томоша қилиб, бир олам таассурот олиб қайтишди. "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасидаги бу каби саъй-ҳаракатлар ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ҳаётга қизиқиш, интилиш, Ватанга, оқибатли инсонларга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириши шубҳасиз.

**Саида ИКРОМОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**

Табиатга эътибор адиб нигоҳида

**Она табиатни асраб-авайлаш, бор гўзаллик ва неъматларни сақлаб қолиш, йўқолиб бораётганларининг ўрнини тўлдириш хусусидаги даъвату маърузалар жуда кўп ва хўп ўқилди. Ростини айтганда, гаплар кўп, аммо амалий натижа кам эканлиги бор ҳақиқат. Ҳаётда мавжуд соҳалар, бўлаётган ишлар ҳақидаги сохта маълумотлар, ёлғон-яшиқларнинг бошқа йўналишларга балки зарари тегмас. Бугун бўлмаса эртага қилинмаган ишлар бажарилиб, ўрни тўлиб кетар. Аммо табиатга нисбатан бунақа найрангбозликлар кетмайди. Чунки бу соҳада йўқотилган неъматларни қайта тиклашнинг ҳеч қачон имкони бўлмайди. Шунинг учун умумий гаплардан кочиб, ҳаётда рўй бераётган реал воқеаларга ўтганимиз маъкул.**

# ЖАЙРОНЛАР ЙИҒЛАМАСИН

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг "Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?!" дея жаранглаган ҳайқириғини ёдга олайлик. Қалбларни зирқиратиб юборувчи оташин бу нола шоир қалбидан бекорга отилиб чиққан эмас. Аслида катта водийнинг кўркам бағрида туғилиб ўсган зийрак болакай улғайган сайин кўз ўнгидаги табиат дурдоналарининг камайиб, ҳатто йўқолиб бораётганидан ташвишга тушиб, беихтиёр фарёд урган десак, муболаға бўлмас... Минг афсуслар бўлсинки, оддий одамлар бу ёқда турсин, табиат муҳофазаси ишониб топширилган айрим бефарқ (ёвуз деса ҳам бўлади) кимсалар ҳануз шум ниятларидан қайтган эмаслар. Улар минг хил тусда турланишиб, тўғри ниятли инсонларни йўлдан уриш, ҳатто мазахлаш пайида.

Мана бир мисол. Муҳаммад Юсуф бонг урган жайронлар камайиб бораётган бўлса ҳам, ҳали деярли барча тоғларимизда учрайди. Аммо алқор деб номланган жонивор қирғинга йўлиқиб, фақат Нурота тоғларидагина сақланиб қолган, дейишади. Бундан ташвишга тушган бир ижодкор дўстимиз шўрлик алқорларга мадад бўлиш ниятида Нурота тоғларига йўл олибди. У албатта биринчи навбатда табиат муҳофазаси ходимларига учрашган. Шу ерлик табиат муҳофазаси нозири жуда устомон экан, уйидагиларга "мазали таом" тайёрлаб қўйишни тайинлаб, меҳмонни тоққа олиб жўнайди. То тунга қадар отда юриб, танг аҳволда уйга қайтадилар.

Нозирнинг айтишича кундузи, боз устига ёз ойларида алқорларни учратиш амримаҳол экан. "Аммо, Нурота тоғларида камида икки мингга яқин алқор қаттиқ муҳофаза остига олинган", дея меҳмонни ишонтирибди нозир. Жудаям мазали қайнатма уларни кутиб турарди. Қийин сафардан обдон силласи қуриган меҳмон қайнатмани симириб, катта-катта сўнгакларни қўшқўллаб, иштаҳа билан тушираётганида қалбида шубҳали бир фикр пайдо бўлибди: "Бу сўнгаклар мабодо алқорники эмасмикин?!" Айнан шуни кутиб тургандек, мезбон сўраб қолибди: "Таом маъқул бўлдими, азизим!" "Маъқулликка маъқулу, гўшт мабодо алқорники эмасми?" Мезбон хушёр тортиб, шошилинч жавоб берибди: "Йўғ-э, майда мол боқамиз, бу таканинг сўнгаклари". Мезбон меҳмонни кузатиб бўлгач, ёнидаги шерикларига айтган экан: "Ижодкор қурмағур хушёррок шекилли, гўшт алқорники эканини сезиб қолди-ёв!" Мезбон "шериклар" орасида ижодкорнинг ҳам яқин кишиси борлигини қайдан билсин!

Қиссадан ҳисса шулки, ардоқли шоиримиз қайта-қайта таъкидлаганидек, алқорлару кийиклар сингари жонзотлар ҳам, мунғайишиб титраб-қақшаб ўсаётган доривор ўсимликлар ҳам, кескин камайиб бораётган қушлар ҳам, хуллас, жамики тирик жонни туғишган қондошларимиз десак, асло хато бўлмайди. Ёвузлик, тилёғламалик, ёлғону бўҳтонлар билан йўқолиб бораётган жониворлар жонига қасд қилсак, гўштларини есак, биродарларимиз гўштларини егандек, жонларига қасд қилгандек бўлар эканмиз!..

Биз юқорида келтириб ўтган аччиқ ҳаётий воқеа ҳамма жойда шунақа шумликлар, аянчли воқеалар ҳукмрон экан-да, деган хулосани келтириб чиқармаслиги керак.

Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг табиатни асраб-авайлаш, атроф-муҳит мувозанатини сақлаш каби масалаларга алоҳида эътибор билан киришилди. Бу соҳага оид қатор ҳужжатлар, қарорлар қабул қилинди. "Экологик назоратни кучайтириш тўғрисида"ги Қонун шулар жумласидандир. Уларни оғишмай изчил амалга ошириш мақсадида ташкил этилган ташкилотлар сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Яъни, Табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари, Ўзбекистон экологик ҳаракати, миллий боғлар, қўриқхоналар ва бошқа ташкилотлар... Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда айни пайтда саккизта давлат қўриқхонаси, иккита миллий боғ, битта экомарказ, битта биосфера резервати, ўнта давлат буюртмахонаси, бешта табиат ёдгорлиги 23,5 минг квадрат километр ҳудудда фаолият олиб бормоқда. Бу жойларда миллий ҳамда халқаро "Қизил китоб"ларга киритилган, йўқолиш эҳтимоли бор ҳайвонот ва наботот олами давлат муҳофазасида. Бунинг қадрига етмоғимиз ва бой табиатимизни асраб-авайлашга имкон қадар ҳисса қўшмоғимиз керак.

**Асад АСИЛ,**
**ёзувчи.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-487. Адади 8765. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00.